O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 18 февраль, № 34 (4949) Пайшанба

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига 2010 йил 10-12 февраль кунлари амалга оширган давлат ташрифи чет эл оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.**

## ХОРИЖИЙ МАТБУОТ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЖАНУБИЙ КОРЕЯГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ ҲАҚИДА

Жумладан, Франциянинг **“Франс Пресс” ахборот агентлиги** тарқатган хабарда “Корея Республикаси ва Ўзбекистон давлатлари раҳбарларининг Сеулдаги учрашувлари якунида Ўзбекистонда газ конини ўзлаштириш ва газ-кимё мажмуини қуриш бўйича битим имзолади” дейилади. Агентлик икки давлат ўртасида лойиҳани ишга тушириш учун умумий қиймати 4 миллиард АҚШ долларига яқин маблағни ташкил этадиган сармоявий битим имзолангани ҳақида хабар беради.

“Президентлар Ислом Каримов ва Ли Мён Бак мазкур битимни ҳамда Фарғонанинг Ғарбий қисми ва Чинободдаги нефть конларида қазиб олиш ишларини ҳамкорликда амалга оширишга оид эришилган келишувларни маъқулладилар. Давлатлар бу соҳада Наманган ва Чустда ҳамкорлик қилиб келишмоқда.

Президент Ли Мён Бак Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ниятини яна бир бор тасдиқлади ва томонлар Афғонистонни қайта тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга келишиб олдилар”, дейилади агентлик хабарида.

Германиянинг **“pr-inside.com”** электрон нашри Президент Ислом Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи ва ушбу ташриф доирасида бўлиб ўтган Ўзбекистон — Жанубий Корея саммитига бағишланган салмоқли ахборотни эълон қилди.

Унда, хусусан, “Томонлар нефть-газ, нефть кимёси, қурилиш, ахборот технологиялари, қишлоқ хўжалиги, экология, тўқимачилик тармоқларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик кўлами кенгайиб бораётганини юксак баҳолаб, ишбилармонларнинг бевосита шериклик алоқаларини қўллаб-қувватлашни янада кучайтиришга келишиб олдилар”, дейилади.

Немис электрон нашри мақоласида томонлар “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасини ривожлантириш лойиҳаси икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналиши эканини таъкидлаб, ушбу лойиҳани муваффақият билан амалга ошириш мақсадида кўп томонлама ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олишгани айтилади.

“Икки давлат раҳбарлари “Кореан Эйр” компанияси бошқарувидаги “Навоий” халқаро логистика маркази ҳамда “Навоий” ЭИИЗ салоҳиятининг бирлаштирилиши авиация, темир йўл ва автомобилда юк ташиш бўйича мультимодаль логистика тармоғи орқали маҳсулотларни халқаро бозорларга тезкор равишда етказиб бериш учун энг қулай шароит яратилишини таъминлаб, қўшимча қийматни юзага келтиришини қайд этишди”.

Мақолада ёзилишича, Президент Ли Мён Бак Тараққиётга расмий ёрдам дастури доирасида тиббиёт ва соғлиқни сақлаш, таълим, қайта тикланадиган энергия манбалари, саноат ва инфратузилма соҳаларида Корея Республикаси ҳукуматининг Ўзбекистонни янада кенг қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳақида алоҳида тўхталган.

Хабар қилинишича, Жанубий Корея Президенти 2010 йилда Ўзбекистон Билим алмашиш бўйича дастур доирасида асосий ўрин тутадиган давлат этиб белгиланганини маълум қилиб, макроиқтисодиётни бошқариш, инновацияларни рағбатлантириш, экспорт ва сармоя масалаларида Корея тажрибаси билан фаол ўртоқлашиш режалари ҳақида тўхталди.

Туркиянинг **“Жихан” ахборот агентлиги** янгиликлар тизимида эълон қилинган “Ўзбекистон ва Жанубий Корея муносабатларида янги бурилиш” сарлавҳали мақолада мазкур ташриф давомида бўлиб ўтган учрашув ва музокаралар ҳақида батафсил сўз юритилиб, Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатларини янада мустаҳкамлаш мақсадида қатор муҳим ҳужжатлар имзолангани айтилади.

“Томонлар нефть-газ, нефть кимёси, қурилиш, ахборот технологиялари, қишлоқ хўжалиги, экология, тўқимачилик тармоқларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик кўлами кенгайиб бораётганини юксак баҳолаб, ишбилармонларнинг бевосита шериклик алоқаларини қўллаб-қувватлашни янада кучайтиришга келишиб олдилар”, дея хабар беради агентлик.

Мақолада икки мамлакат раҳбарлари сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро муносабатлар жадал ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этиб, иккала давлат ўртасидаги стратегик шериклик мазмунини янада бойитиш йўлида ҳамкорликни изчил давом эттириш борасидаги азму шижоатлари баён этилган Ўзбекистон ва Жанубий Корея Президентларининг учрашувига алоҳида эътибор қаратилади.

(Давоми 2-бетда).

## Навоий вилояти:
# ҚИЗИЛҚУМ БАҒРИДАГИ ЖАВОҲИР





***Чексиз осмон, адоғи йўқ бепоён саҳро, унинг “кема”си ҳисобланган туяларнинг вазмин одимлаб боришлари... Асрлар давомида ўзгармайдиган Марказий Қизилқумга хос бу манзараларга бугунги даврнинг уфқларга туташиб кетган асфальт йўл тасмаси, унда елдек учиб бораётган машиналар ва бошқа замонавий чизгилар янгича жило берган. Дашт бўйлаб анча узоқ йўлни босиб ўтиб, ниҳоят Учқудуқ шаҳрига етиб келдик. Шаҳар кафтдагидек кўриниб турибди. Янги коллеж-лицейлар, замонавий спорт мажмуалари, кафе-ресторанлар, боғу хиёбонлар...***

**Фахр**

Истиқлол йилларида Учқудуқнинг сийрати ва сувратi тубдан ўзгариб, унинг зарҳал саҳифалари яратувчанлик битиклари билан тез тўлиб бораяпти. Шаҳар аҳолиси кейинги пайтда икки баробарга кўпайиб, қарийб 40 мингга яқинлашиб қолганлигининг ўзи унинг ҳаёти нечоғли юксалиб бораётганлигини кўрсатиб турибди.

Учқудуқ — металлурглар шаҳри. 1995 йил 14 июнда унинг ҳаётида муҳим воқеа юз берди. Навоий кон-металлургия комбинати таркибидаги 3-гидрометаллургия заводини ишга тушириш маросимида Президентимиз Ислом Каримов иштирок этиб, янги корхона рангли маҳсулотининг иқтисодиётимиз ривожидаги аҳамиятини, фидойи инсонлар меҳнатини юксак баҳолади, бу борадаги ютуқларни йил сайин ошириб бориш йўлидаги ишларида муваффақиятлар тилади. Бу эзгу ниятлар босқичма-босқич равишда амалга ошириб келинаяпти.

Биз кейинги йилларда ўзлаштирилган Кўкпатос маъдан карьеридамиз. 55 тоннагача юк оладиган машиналарсиз, 20 тоннагача тоғ жинсларини юклайдиган экскаваторларсиз кончилар ишини тасаввур этиб бўлмайди. Лекин бу улкан машина-механизмлар узунлиги икки ярим ва эни ярим километрга етган, чуқурлиги 310 метрдан ошган карьернинг устки қисмидан қаралганда, гугурт қутиси янглиғ ўйинчоқларга ўхшаб кетади. Уларни бошқараётган кишиларни тепадан туриб илғаш қийин бўлсада, тўла компьютерлаштирилган техникаларнинг инсон измига осонгина бўйсунаётганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, юк машиналари бир сменада карьернинг поғонали йўлларидан кўтарилиб ва пастга ўрмалаб юриб, камида 40 марта саралаш корхонасига қатнар экан. Демак, бир машинанинг ўзи шу вақт мобайнида 2200 тоннадан ортиқ юк ташийди. Кейинги пайтда улар фаолиятида туб ўзгаришлар рўй берди.

Яқин пайтгача машиналарга юкланган тоғ жинслари эски авлод ускуналарида сараланиб, кейин тўғридан-тўғри қайта ишлаш қувватларига жўнатилар эди. Оқибатда таркибида зарур ва нозарур бўлган миллионлаб тонна хом ашё заводга борар, уларни етказиш ва ажратиб олиш учун қанчадан-қанча транспорт воситалари жалб қилинар, қувватлар беҳудага ишлатилар, бу, ўз навбатида, миллионлаб сўмлик ортиқча молиявий-техникавий сарф-харажатларни тақозо этар эди.

(Давоми 2-бетда).

## САРАТОННИ ДАВОЛАШДА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, ўғил-қизларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, уларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий камол топишига кўмаклашиш, миллат генофондини янада соғломлаштиришнинг изчил механизми яратилди.**

Бу эса оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш, хавфли касалликларнинг олдини олиш бўйича ижобий самараларга эришиш имконини бермоқда.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган саратон хасталикларини даволашда инновацион услубларни қўллаш масалаларига бағишланган иккинчи халқаро илмий-амалий анжуманда бу алоҳида таъкидланди.

Тадбир “Sen Yolg'iz Emassan” республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКОдаги доимий ваколатхонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика Онкология илмий маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуман ишида мамлакатимиз ва Франциянинг соғлиқни сақлаш тизими мутасаддилари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, мутахассислар, олимлар, шифокорлар иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОдаги доимий вакили, “Sen Yolg'iz Emassan” республика жамоатчилик болалар жамғармаси васийлик кенгаши раиси Лола Каримова бугунги кунда жаҳон миқёсида саратон хасталиклари, жумладан, болалар гематологияси ва онкологияси билан боғлиқ касалликларни даволаш масаласи долзарб аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Шу маънода, Ўзбекистонда бундай хасталикларнинг

**Анжуман**

олдини олиш, бу борадаги муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш, онкологияга оид касалликларни эрта аниқлаш, ташхис қўйиш, ўз вақтида даволаш бўйича изчил ва кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда аёллар, болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, ўсмир қизлар, бўлғуси оналарнинг тиббий ҳолатини мунтазам назорат қилиш, соғломлаштириш, тиббиёт муассасалари, диспансерлар, оилавий поликлиникаларни энг замонавий жиҳоз ва ускуналар, дори-дармонлар билан таъминлаш, шифокор-мутахассисларнинг халқаро миқёсда фикр ва тажриба алмашишига кўмаклашиш доимий эътиборда бўлиб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОдаги доимий ваколатхонаси томонидан Францияда бўлиб ўтган йирик халқаро конгресс ва анжуманларда ўзбекистонлик шифокор ва мутахассисларнинг иштирок этиши, тиббиёт ходимларининг мунтазам равишда касб малакаси ва маҳоратини ошириши учун қулай шароит ва имкониятлар яратилгани бунинг ёрқин далилидир.

Айни пайтда жорий йилнинг 1 февралидан Ўзбекистон саратон хасталиги билан курашиш бўйича Париж хартиясига расман қўшилгани гематология, онкология, генетик касалликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, даволашда илғор ва замонавий усуллар, самарали технологияларни қўллаш, мазкур йўналишдаги сўнгги ютуқ ва янгиликларни амалиётга жорий этиш имконини беради.

Анжуманда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг юртимиздаги ваколатхонаси раҳбари Мишель Тайад, Франциянинг Саратон бўйича миллий институти президенти, профессор Дэвид Хаят дунё миқёсида хавфли хасталиклар ўнлигига кирувчи саратон касалликларини эрта аниқлаш ва профилактика чора-тадбирларини кўриш касалликни даволашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар. Бу жараёнда олимлар, шифокорлар ва мутахассисларнинг халқаро миқёсдаги ҳамкорлигини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**



***Бир нечта кичик станцияни ўз ичига олган “Янги Ангрен — Ўзбекистон” ЛЭП-500 электр узатиш линиясини қуриш бўйича стратегик инвестициявий лойиҳанинг амалга оширилиши туфайли водий вилоятлари ишончли энергия таъминотига эга бўлди.***

### Барқарор энергия тизими

Бунга қадар ушбу вилоятлар аҳолисига электр энергияси қўшни мамлакатлар орқали етказиларди. Тизимда содир бўладиган турли носозликлар туфайли таъминотда тез-тез узилишлар рўй берарди. Қамчиқ довони оша қурилган янги линия эса Фарғона водийсини қамраб олган яхлит энергия тизими яратилишини таъминлади.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***НАВОИЙ шаҳридаги “Шамс-Навоий” кўп тармоқли фирмаси банкдан олинган 880 минг АҚШ долларилик кредити ҳисобига хориждан гипс маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган замонавий технологиялар олиб келди.***

### Қурилиш ашёлари кўпаяди

Айни пайтда Қарнаб ота тоғлари бағридаги карьерда ушбу жиҳозларни ўрнатиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Мазкур технологик линия ишга тушиши билан бу ерда бир кеча-кундузда 180 тоннагача қурилиш хом ашёси ишлаб чиқариш имконияти юзага келади ҳамда 30 нафар киши доимий иш ўрнига эга бўлади.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Газ таъминоти яхшиланди

***СИРДАРЁ вилоятида ўтган йили 33,4 километрлик масофадаги газ қувурлари мукаммал таъмирдан чиқарилди.***

Бу мақсадлар учун 985,7 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Шунингдек, аҳоли ва ҳомий ташкилотлар ёрдами эвазига 61,2 километрлик табиий газ қувурлари тортилди. Бу каби тадбирлар натижасида айни қиш палласида вилоят аҳолисини газ билан таъминлашдаги узилишларга барҳам берилди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Истиқболли лойиҳалар

***НАМАНГАН. Якунланган йилда вилоятдаги 13 та корхонада Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 21 та лойиҳа амалга оширилди.***

Натижада ушбу корхоналар томонидан 2009 йил давомида импорт ўрнини босувчи 16 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Эътиборли жиҳати, ушбу хўжалик юритиш субъектларида четдан хом ашё ва бутловчи қисмлар олишни камайтириш ҳисобига 5,7 миллион АҚШ доллари миқдорида валюта тежаб қолинди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИК ОШАДИ

***2010 йилда мамлакатимиз аҳолисининг иш ҳақларини яна камида***

**30 фоизга ошириш мўлжалланмоқда.**

Шу тарзда аҳоли харид қобилиятининг барқарор суръатда ўсиб бориши таъминланади, унинг узоқ муддатга фойдаланишга мўлжалланган саноат товарларини харид қилиш имконияти ошади, демак, турмуш фаровонлиги яхшиланади.



# ХОРИЖИЙ МАТБУОТ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЖАНУБИЙ КОРЕЯГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Инглиз тилида чоп этиладиган **"Chinaview" (Хитой)** ахборот таҳлилий нашрида 2010 йил 11 февраль куни Сеул шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарлари икки томонлама муносабатларнинг стратегик хусусиятини тасдиқлашгани хабар қилинади. Нашр, шунингдек, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуини қуриш ва конни ўзлаштириш лойиҳасини амалга ошириш бўйича сармоявий битимнинг имзолanганига эътибор қаратади.

**Хитой халқаро радиоси** Ўзбекистон Президентининг Корея Республикасига амалга оширган ташрифига бағишланган қатор репортажларни эфирга узатди. Унда, жумладан, "Томонлар сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда икки томонлама муносабатлар жадал ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этишди, ахборот технологиялари, экологияни асраш, қурилиш ва тўқимачилик саноати тармоқларидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга умид билдиришди, давлатлар раҳбарлари нефть ва газ захираларини ўзлаштириш ва кимё саноати соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг муҳимлигини қайд этишди", дея хабар берилади.

Хитойнинг **"Жэньминь жибао"** газетасида "Жанубий Корея ва Ўзбекистон стратегик ҳамкорликни тасдиқлашди" сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда таъкидланишича, "Ташриф давомида Президент Ислом Каримов кимё саноатини ва Ўзбекистондаги Сурғил конида газ конини ривожлантириш бўйича йирик икки томонлама сармоявий шартномани имзолади. Бу борада давлатлар раҳбарлари мазкур ҳужжатнинг имзоланиши икки мамлакат ўртасидаги шериклик муносабатларининг мустаҳкамланаётганини кўрсатишини қайд этишди".

Мақолада, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак икки давлатнинг энергетика ҳамда энергия ресурслари соҳасидаги ҳамкорлиги тобора кенгайиб бораётгани, нефть ва газ конларига эга бўлган Наманган ва Чустда амалга оширилаётган лойиҳа ҳамда Ғарбий Фарғона ва Чинобод нефть конларини ўрганишга оид янги битим шундан дарак беришини таъкидлашгани ҳақида айтилади.

Мисрнинг **«Асия ал-Вуста»** электрон нашрида чоп этилган мақолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг Корея Республикасига амалга оширган бу галги ташрифи Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлик борасидаги қарашлари бир хил эканидан гувоҳлик бериши, уларнинг икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлидаги ўзаро интилишининг тасдиғи экани ҳақида сўз юритилади.

— Ўзбекистон Сеулнинг Корея ярим оролидаги муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилиш масаласига ёндашувини, Корея Республикаси раҳбариятининг "Янги Осиё дипломатияси" ташаббуси ва энергетика стратегиясини қўллаб-қувватлайди. Сеулда Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд ташкил этиш борасида тутган ўрнини юксак қадрлашади, — деб ёзади "Асия ал-Вуста".

Лондонда нашр этиладиган **"Дар ал-Хаят"** умумараб газетасининг электрон нашрида "Сеул Ўзбекистоннинг газ конларини тадқиқ этади" сарлавҳали мақола жойлаштирилди. Унда таъкидланишича, Ўзбекистон ва Жанубий Корея Президентлари Ислом Каримов ва Ли Мён Бак икки мамлакат ўртасидаги яқин ҳамкорликнинг рамзи сифатида Сурғил лойиҳасига оид сармоявий битимни имзолашди. Олий даражадаги учрашув якунига кўра, икки давлат раҳбарлари сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар каби турли соҳаларда икки томонлама муносабатларнинг ривожланиш жараёнидан қониқиш ҳосил қилганликларини қайд этишди.

Икки давлат раҳбарлари бензин ва пропаннинг ўрнини босувчи муқобил ва экологик хавфсиз энергия манбаларидан фойдаланишга ўтишни кўзда тутувчи "яшил тараққиёт" дея аталувчи соҳада ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида битимга эришди.

Жанубий Корея Президенти Ўзбекистонни соғлиқни сақлаш, таълим, инфратузилма каби соҳаларни ривожлантиришда расмий қўллаб-қувватлашда давом этажагини, шунингдек, мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш мақсадида Жанубий Корея тажрибасини олиб кириш борасида ўз собитқадамлигини билдирди. Шу билан бирга, Афғонистонни қайта тиклашда кўмаклашиш тўғрисида ҳам битим имзоланди.

Россиянинг **"Независимая газета"** нашрида чоп этилган мақолада "Томонлар Сурғил ва Устюрт конида газ қазиб олишга оид лойиҳани амалга ошириш бўйича келишувга эришишди", дейилади. Хабарга кўра, лойиҳа доирасида зангори ёнилғини қайта ишловчи ҳамда полиэтилен ва пропилен ишлаб чиқарувчи газ-кимё мажмуаси қурилади.

**"РИА Новости" ахборот агентлиги**нинг "Ўзбекистон Шимолий Кореяни ядровий қуролсизлантиришни қўллаб-қувватлади" сарлавҳали мақоласида таъкидланишича, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва унинг Жанубий кореялик ҳамкасби Ли Мён Бакнинг Шимолий Кореяни ядровий қуролсизлантириш Шимоли-Шарқий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг муҳим шарти эканига оид фикрлари муштаракдир.

**«Регнум» ахборот агентлиги**нинг ёзишича, Сеулда бўлиб ўтган учрашув давомида томонлар маданият, спорт ва туризм соҳасида ўзаро алоқалар ҳамда ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга келишиб олдилар. "Томонлар Тошкент шаҳрида Сеул истироҳат боғини барпо этишни кўзда тутадиган протокол тузилганини маъқуллаб, бу лойиҳа икки мамлакат халқларининг тотувлиги ҳамда дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади, деган муштарак хулосани баён этдилар".

**"Казахстан сегодня" ахборот агентлиги**да эълон қилинган мақолада "Сеулда олий даражада бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарлари икки томонлама иқтисодий ва сиёсий ҳамкорликни янада ошириш чораларини муҳокама қилишди", дейилади.

МДҲ ва Марказий Осиё давлатлари оммавий ахборот воситаларида, жумладан, "Тренд», "Авеста", "Азия-Плюс", "АКИpress", "Центральноазиатская новостная служба "CA-News", "Gazeta.kz" каби нашрларда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги икки томонлама, айниқса, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик муносабатлари ривожининг жадаллигига алоҳида урғу берилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг тез орада Россия, АҚШ, Хитой, Корея Халқ Демократик Республикаси, Корея Республикаси ва Япония иштирокидаги олти томонлама музокараларни қайта тиклаш орқали Шимолий Корея ядро муаммосини ҳал қилишга интилаётган Корея Республикаси ҳукуматининг нуқтаи назарини қўллаб-қувватлаганига эътибор қаратилади.

**«Жаҳон» АА.**

## Навоий вилояти:
# ҚИЗИЛҚУМ БАҒРИДАГИ ЖАВОҲИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Эндиликда бу жараён тамоман янгича манзара касб этган. Маъданлар қайта ишлаш корхонасига етгунча бир неча назорат ва саралаш босқичидан ўтади. Аввало, юк машиналаридаги тоғ жинслари махсус қурилмадаги рентген нурларида текширилиб, унда неча фоиз зарур маъдан борлиги аниқланади. Агар белгиланган кўрсаткичга мувофиқ келмаса, махсус "омбор"га қайтарилади. Ижобий баҳо олгани навбатдаги манзил томон йўлини давом эттиради. Шу тарзда ортиқча транспорт ва қайта ишлаш харажатлари барҳам топаяпти.

Шимолий кон бошқармаси мутахассисларининг эътироф этишларича, аслида, бу лойиҳа ҳам давлатимиз раҳбарининг қўллаб-қувватлаши туфайли жорий этилган. Бундан бир неча йил муқаддам Президентимиз Мурунтов карьерига ташрифлари чоғида мазкур маъдан саралаш корхонасининг тажриба намунаси билан танишади. Бу янги технология маъқул келиб, уни албатта, ишлаб чиқаришга жорий этиш вазифаси қўйилади.

Бугунги кунда шуни мамнуният билан айтиш керакки, Ўзбекистон Президенти томонидан қўйилган вазифа тўлатўкис рўёбга чиқди. Дунёда кўлами жиҳатидан беқиёс маъдан саралаш заводи айнан Ўзбекистонда иш бошлади, унинг қувватлари эса янада ортиб бораяпти.

— Янги технологиянинг яна бир афзаллиги шундаки, уни ишлатиш жуда қулай ва осон, — дейди маъдан карьери бош муҳандиси ўринбосари Игорь Иванов. — Ишлаб чиқариш самарадорлиги аввалги технологияга нисбатан 55 фоиз юқори. Яқин кунларда корхонанинг иккинчи навбатини ишга туширамиз. Бу ҳозирги пайтда сараланаётган маъдан миқдоридаги концентрат улушининг яна икки бараваргa ортишини таъминлайди.

Сифат даражасини касб этган маъданлар 3-гидрометаллургия заводига жўнатилади. Бу улкан корхона Шимолий кон бошқармасининг қудратли ишлаб чиқариш занжиридаги асосий ҳалқа ҳисобланади. Худди шу ерда унга хом ашё етказиб беришда иштирок этувчи барча тармоқларнинг меҳнат маҳсули мужассамланиб, юқори сифатли тайёр маҳсулотга айланади. Кейинги пайтда бу ерда бир қатор инновацион лойиҳалар жорий этилиб, маъданни майдаловчи маҳобатли тегирмонлар, қудратли олтин саралаш ускуналарининг самарадорлиги янада оширилди.

— Заводимизда илғор технологияларни жорий этиш баробарида мавжуд қувватларни кенгайтириш бўйича ҳам фаол иш олиб борилаяпти, — дейди Навоий кон-металлургия комбинати Шимолий кон бошқармаси бош технологи Улуғбек Эргашев.

Амалга оширилаётган лойиҳалар хусусида гап кетар экан, шу кунларда сульфидли маъданларни қайта ишлаш ва бойитишнинг иккинчи навбатини қуриш ишлари ниҳоясига етаётганини таъкидлаш жоиз. Шу билан бирга, майдалаш цехида тегирмон блокини қуриш билан боғлиқ ва бошқа лойиҳалар ҳам фаол давом эттирилаяпти. Ҳозирги пайтда гидрометаллургия заводининг навбатдаги босқичини лойиҳалаш, қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Бунинг натижасида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми икки бараварга ортади.

Табиийки, режаларни рўёбга чиқариш, оқилона бошқариш, инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш юксак ақлий салоҳиятни ва билимни тақозо этади. Шимолий кон бошқармасига ана шундай кадрларни тайёрлашда Учқудуқ кончилик касб-ҳунар коллежининг ёрдами катта бўлаяпти.



Самарқанддан юз чақиримча йўл юриб, кўзланган манзилга етиб келдик. Нурота тоғ тизмалари ва унинг қир-адирларига тўшалган қор қатламлари эрталабки офтоб нурларида худди тилла янглиғ товланади.

Зармитан конида маъдан қазиб олиш ҳажми ўтган йилнинг ўзида аввалги йилдаги кўрсаткичга нисбатан икки баробарга ошди.

— Биз қазиб олинган хом ашёни карьерларимиздан корхоналарга қайта ишлаш учун жўнатамиз, — дейди Зармитан олтин кони бошлиғи Бахтиёр Иброҳимов. — Бунинг учун ҳар куни юздан ортиқ транспорт воситаларидан фойдаланилади. Айтиш керакки, техника паркимиз кенг кўламли ишларни бажаришга қодир. Лекин тез орада унинг иш режаси тубдан ўзгаради. Хом ашёни олисдаги корхоналарга эмас, балки шу ернинг ўзида қурилаётган янги гидрометаллургия заводига ташишади.

Шу билан бирга, бу ерда чуқурлиги 200 метрдан ошадиган янги шахтани, маъданларни бойитиш корхонасини қуриш давом этаяпти. Мутахассисларнинг фикрича, уларда меҳнат қилувчилар сони ҳозиргига нисбатан уч бараварга ортиб, олти минг нафар ишчи-ходим ишлаши мўлжалланаяпти.

Табиийки, бу, ўз навбатида, ижтимоий инфратузилмани ҳам ривожлантиришни тақозо этади. Зармитанда бу масалалар бирин-кетин ҳал этиб борилаяпти. Масалан, уй-жойлар қурилишини олайлик. Қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириб юбораётган бири-биридан шинам, барча замонавий қулайликлар ва ўзига хос дизайнга эга хонадонларда яшашни ким ҳам истамайди, дейсиз. 2008 йили ҳар бири саккиз хонали учта уй фойдаланишга топширилган бўлса, ўтган йили уларнинг сони яна тўрттага кўпайди. Ёш мутахассислар учун коттежлар, юз ўринли ётоқхона ишга туширилди. 2010 йилда бу борадаги ишлар янада кенгайтирилиб, 40 та хонадонга мўлжалланган янги уйлар унинг асосий қисмини ташкил этади.

Хуллас, тоғлар бағридаги янги кончилар шаҳарчаси — Заркент ўз номига мос қиёфа касб этиб бораяпти. Реконструкция қилиниб, кенгайтирилган йўл бўйларида бирин-кетин сервис шохобчалари ташкил этилаяпти.

Зармитандаги маъданларни саралаш заводига эса Кўкпатосдагидай замонавий технологиялар ўрнатилади. Бу янгиланишлар, энг аввало, янги очилаётган конларда ишлатиладиган замонавий машина-механизмларнинг янги авлодини, электрон тизимли мураккаб технологияларни бошқара оладиган юқори малакали мутахассисларга катта эҳтиёж туғдиради. Мазкур вазифани ҳал этишда 500 нафардан ортиқ ўқувчини ўз бағрига олган коллеж алоҳида аҳамиятга эга. Бу муассаса айнан бунёд этилаётган янги қувватлар, уларга хизмат кўрсатувчи тармоқлар учун мутахассислар тайёрлайди.

Икки кун давомида амалга оширилаётган улкан ишлардан олган таассуротларимиз ана шундай. Аслида, ўзгаришлар юртимизнинг ҳар бир манзилига хос бўлиб, бундай эзгу фазилатлар кундалик турмушимизнинг мазмунига айланганлиги жиҳатидан қараганда, юқорида баён этганларимиз бугунги кунимизнинг оддий, аммо бошқа юртларда кўпларнинг ҳавасини келтирувчи жозибадор ҳақиқатларидир.

**Абдурауф ҚОРЖОВОВ.**

**Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.**

# САРАТОННИ ДАВОЛАШДА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А. Икромов, Республика Онкология илмий марказининг умумий онкология бўлими илмий раҳбари М. Ғафурохунов ва бошқалар юртимизда аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, саратон касалликларига ташхисни тез ва тўғри қўйиш, мазкур йўналишдаги даволаш масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, зарур тиббий-техник жиҳоз ва ускуналар, дори-дармон воситалари билан таъминлаш, соҳа учун малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг касб малака ва маҳоратини юксалтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Айни пайтда тиббиёт муассасаларида бу йўналишда замонавий дори-дармон ва препаратларни қўллаш, оператив жарроҳлик баробарида нур билан даволаш, кимётерапия усуллари татбиқ этилаётгани эътиборлидир. Шунингдек, скрининг текширувни янада такомиллаштириш, турли илмий-маърифий лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилаётгани соҳада муайян ютуқларга эришишда ўзига хос замин яратмоқда.

Халқаро анжуманда юртимиз ва франциялик соҳа мутахассислари, экспертлар томонидан саратонни даволашда инновацион усуллар, Ўзбекистонда онкологик тиббий хизматни ривожлантиришда халқаро ҳамкорлик, кимёвий даволаш усулининг бугунги ҳолати ва истиқболлари каби мавзуларда маърузалар тингланди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

## Тадбир
# СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

***Маълумки, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун кучга кирди.***

Солиқ сиёсатидаги бу ўзгаришлар мамлакатимиз иқтисодиётига қандай наф беради? Фарғона вилояти Солиқ бошқармасида оммавий ахборот воситалари иштирокида ўтказилган семинарда ана шу масала бош мавзу бўлди. Тадбирда солиқ соҳасида олиб борилаётган изчил сиёсат, солиқ тўлашни соддалаштириш, тадбиркорлар учун қулай усулларни жорий қилиш, текширув ва назоратларни қисқартириш, энг муҳими, солиқ юкини камайтириш аҳоли фаровонлигини янада оширишга хизмат қилиши ҳақида сўз борди. Хусусан, корхоналар учун белгиланган солиқнинг 10 фоиздан 9 фоизга туширилиши натижасида 60 миллиард сўмга яқин маблағ вилоятдаги корхоналар ҳисобида қолади.

**Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ – МУҲОФАЗАДА

***Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунида давлат томонидан истеъмолчиларнинг товар (иш, хизмат) сотиб олиш ва ундан фойдаланиш чоғидаги ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимояси кафолатланган.***

Ушбу меъёрнинг амалда ўз ифодасини топиши учун юртимизда истеъмолчиларнинг ҳуқуқий ҳимояси билан шуғулланувчи давлат ва жамоат ташкилотлари изчил фаолият юритмоқда. Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси — улардан бири. Ўтган йилда мазкур тузилма ёрдамида истеъмолчиларга етказилган 766,8 миллион сўмдан ортиқ зарар қопланди.

Федерация матбуот хизматидан маълум қилишларича, тизимда аҳолининг истеъмол маданиятини юксалтириш ишларига устувор аҳамият берилаётир. Бу борада соҳага оид қонунлар тарғиботи билан бир қаторда уларнинг ижроси юзасидан доимий мониторинг ўтказилмоқда. "Истеъмолчи кутубхонаси" рукни остида истеъмолчилар ҳуқуқлари билан боғлиқ турли мавзудаги адабиётлар нашр қилинмоқда. Ўтган йили "Биз истеъмолчимиз" қўлланмаси чоп этилиб, истеъмолчиларга бепул тарқатилди. Федерациянинг ҳудудий бирлашмалари ҳамда бир қатор туман жамиятлари ҳузурида "Маслаҳат маркази" фаолият кўрсатаётир.

## Қонун ва ижро

Федерация ва унинг қуйи бўғинларига истеъмолчилардан тушаётган ариза ва шикоятлар алоҳида эътиборда. Жумладан, 2009 йилда истеъмолчилардан тушган жами етти мингга яқин мурожаат ва аризаларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди. Савдо, коммунал хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш, алоқа, транспорт, газ, сув, электр таъминоти ва бошқа соҳаларга оид аризалардаги муаммоларнинг 97 фоизи истеъмолчилар фойдасига ечилди.

Мисол учун, пойтахтимизнинг Миробод туманида яшовчи Х. Ҳайдаров хусусий тадбиркор А. Манноповга қарашли дўкондан "LG" русумли музлаткич сотиб олган. Аммо бир неча кун ўтмаёқ музлаткичнинг айрим нуқсонлари борлиги маълум бўлади. Харидор бу ҳақда дўкон раҳбариятига мурожаат қилади.

Маълумки, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, товарда кафолат муддатида топилган нуқсонларни сотувчи истеъмолчи тегишли талаб қўйган пайтдан эътиборан 20 кун ичида, ишлаб чиқарувчи эса 10 кун ичида бепул бартараф этиши лозим. Ёки истеъмолчи мақбул сифатли ноозиқ-овқат товарни харид қилган кундан эътиборан ўн кун ичида ушбу сотиб олинган жойдаги сотувчидан уни айни шундай товарга алмаштириб олишга, бундай товар сотувда бўлмаса, пулини қайтариб олишга ҳақли.

Мазкур қонуний меъёрлар асосида ҳамда Миробод тумани истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ходимлари ёрдамида фуқаро Х. Ҳайдаров сифатсиз маҳсулотни эгасига топшириб, пулини қайтариб олди.

Термиз шаҳрида яшовчи Г. Галиеванинг "Термизшаҳаргаз" филиали ходимлари томонидан табиий газ тўловларини нотўғи ҳисоб-китоб қилинганлигини баён этиб ёзган аризаси ҳам ўз исботини топди. Мутахассислар иштирокида вазият ўрганилганда, ушбу фуқарога 440 минг сўм ортиқча қарздорлик ҳисоблангани аниқланди. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти аралашуви билан бунга чек қўйилди. Ана шундай ҳолатларни мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам учратиш мумкин.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси томонидан аҳоли манфаатларини муҳофазалаш мақсадида савдо дўконларида ўтказилган ўрганиш давомида истеъмол товарларини касса чекисиз сотиш, истеъмолчиларга сифат сертификатини тақдим қилмаслик, санитария меъёрларига риоя этмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётгани маълум бўлди. Аниқланган қонунбузилишлар бўйича маълумотлар тегишли маҳаллий ҳокимликларга ва бошқа назорат органларига тақдим этилди.

Йўл қўйилаётган бундай камчиликлар бартараф этилиб, истеъмолчилар манфаатлари муҳофазаси пухта мустаҳкамланмоқда.

**Н. АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири.**

# РАҒБАТ, ИМКОНИЯТ ВА ИМТИЁЗ
## кичик бизнеснинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этаётир

***Пскент туманидаги "Бузрук Пскент" хусусий корхонаси иш бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин у сифатли маҳсулотлари билан тезда аҳоли эътиборига тушиб улгурди. Бу ерда қурилиш учун гипс ва ёғочдан турли-туман безак маҳсулотлари ишлаб чиқарилаяпти. Мазкур қурилиш ашёларига ички бозорда кундан-кунга талаб ортиб бораётгани туфайли корхона раҳбари Ғуломжон Отабоев фаолиятини янада кенгайтириш ҳаракатини бошлаб юборди.***

Таъкидлаш керакки, юртимизда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилаётир. Тадбиркорлик субъектларининг кўпайгани, ўз навбатида, аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаяпти. Ҳозирда мамлакатимизда иш билан банд бўлган аҳолининг 76 фоизи кичик бизнес субъектларида меҳнат қилаётгани бунинг яққол далилидир. Бундан ташқари, соҳа вакиллари ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 50 фоизини ишлаб чиқараяпти. Ҳолбуки, бу кўрсаткич 2000 йили 30 фоизни ташкил қилган эди.

Соҳада эришилаётган муваффақиятларда солиқ борасида енгиллик берилгани муҳим омил бўлаётир. Негаки, биргина 2009 йилда кичик саноат корхоналари учун солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилиб, якка тартибдаги тадбиркорлар учун қайд этилган солиқ миқдори ўртача 1,3 баробар камайтирилди. Эътиборлиси, тизимдаги ислоҳотлар изчил давом эттирилиб, жорий йилдан бошлаб барча кичик бизнес корхоналари учун ягона солиқ тўлови 7 фоизга туширилди. Қолаверса, уларга молия муассасалари томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар ҳажми ҳам кўпайтирилгани аҳамиятга моликдир.

Очиғи, бугун дунё мамлакатлари глобал молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этишга астойдил уринмоқда. Ундан чиқиб кетиш ёки таъсирини камайтириш учун турли чора-тадбирлар ишга солинаяпти. Шундай пайтда юртимиз иқтисодиётида барқарор ривожланиш жараёнига гувоҳ бўлиб турибмиз. Буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида халқ манфаатини кўзлаб амалга оширилаётган эзгу ислоҳотлар, шунингдек, Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар самарасидир. Айтиш мумкинки, инқирознинг салбий оқибатларидан зарур даражада ҳимояланганмиз. Айниқса, дастурда ишлаб чиқариш корхоналарини, хусусан, кичик бизнес ва хусусий

## Ислоҳот

тадбиркорлик субъектларини янада фаоллаштириш бўйича белгилаб олинган аниқ мақсадли вазифалар иқтисодий юксалишда муҳим омил бўлмоқда. Зеро, Президентимиз 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар, аввало, энг асосий масалаларга — янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг турмуш даражасини янада оширишга йўналтирилди. Натижада ўтган йилда 390 мингдан зиёд киши кичик бизнес соҳасида ишга жалб этилиб, даромад манбаига эга бўлди. Бошқача айтганда, ҳозирги кунда юртимизнинг ҳар бир ҳудудида яратиб берилган имтиёзлардан унумли фойдаланаётган тадбиркорлик субъектларини истаганча топиш мумкин.

Навоий вилоятидаги оҳак ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Зарафшон-пром-инвест" масъулияти чекланган жамияти ана шулардан бири. Гап шундаки, яқинда корхона цехларига хориждан 350 минг АҚШ долларилик замонавий ускуна келтириб ўрнатилди. Бу эса, ўз навбатида, маҳсулот сифатини ошириш билан бирга, 50 нафар кишини иш билан таъминлашга хизмат қилди.

Умуман олганда, жорий йилда республикамизда жами 950 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши назарда тутилган бўлиб, унинг аксарияти кичик корхоналар, микрофирмалар ва якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ҳисобига тўғри келади.

Рағбат, имконият ва имтиёз бор жойда тараққиёт бўлиши турган гап. Зотан, ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида етакчи кучга айланиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳам айни шу омиллар эвазига улкан муваффақиятларни қўлга киритишаётир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Яхши хабар
# ФЕРМЕР КОРХОНА ҚУРДИ

***Дўстлик туманидаги чорвачиликка ихтисослашган "Уста Сафар ота" фермер хўжалиги қошида сутни қайта ишлайдиган технологик линия ишга туширилди.***

Айни пайтда бу ерда бир кеча-кундузда бир тоннагача сут қайта ишланиб, 10 турдаги маҳсулот тайёрланмоқда.

Эътиборлиси, янги технологик линия фойдаланишга топширилиши билан саккиз нафар киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

**Б. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

***Бирлашган Араб Амирликларининг йирик "Dubai World" инвестиция компанияси кредиторларидан олган асосий қарзининг бор-йўғи 60 фоизини тўлашни режалаштирмоқда.***

### Тўлов қобилияти пасайгач...

Маълумки, ўтган йилнинг ноябрь ойида "Dubai World" тўлов қобилияти тушиб кетгач, ўз мижозларига кредитлар бўйича фоизларни вақтинча музлатиб қўйганди. Бунинг натижасида дунё биржаларида барқарорликка путур етганди. Орадан бир оз вақт ўтиб, Абу-Даби ҳукуматининг ушбу молия институтини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарори инвесторлар кўнглига таскин берди.

Айни пайтда "Dubai World"нинг инвесторлардан жами қарзи 59 миллиард АҚШ долларига тенг.



### Фалокат оёқ остида

***Италияда мактаб ўқувчилари автобуси ҳалокатга учради.***

"Франс пресс" ахборот агентлиги хабарига қараганда, ушбу автобусда франциялик саёҳатчи ёшлар бўлган. Жами йўловчилар 63 нафар, жумладан, 58 нафар ўқувчидан иборатлиги айтилмоқда. Фалокат туфайли уч киши ҳаётдан кўз юмган, етти киши жароҳатланган.

Автобусда бўлганларнинг айтишича, ҳайдовчи йўлда кетаётиб нима сабабдандир рулни зудлик билан ён томонга бурган. Натижада транспорт воситаси мувозанатни йўқотиб, ағдарилган. Айни пайтда воқеага ойдинлик киритилмоқда.

### Тадқиқот натижалари

***Қадимий ёдгорликларни ўрганиш халқаро гуруҳи қадимги Миср фиръавни Тутанхамон тарихига оид ўтказган тадқиқот натижаларини маълум қилди.***

"Рейтер" ахборот агентлиги хабарига кўра, олимлар замонавий технологиялар ёрдамида, аввало, фиръавн ўлимининг сабабларини аниқлашган. Унга кўра, Тутанхамон безгак касалидан вафот этган.

Тадқиқот давомида Мисрни бошқарган 16 та шоҳнинг мумиёланган жасади кўздан кечирилди. Бу жараёнда ДНК текшируви ва компьютер томографиясидан фойдаланилган. Изланишлар асносида Тутанхамон фиръавн Эхнатоннинг фарзанди бўлган, деган тахмин юзага келди.

### Энг арзон телефон

***Дунёга машҳур "Vodafone" компанияси жудаям арзон қўл телефони ишлаб чиқарди.***



"Би-Би-Си Ньюс" телеканали хабарида келтирилишича, "Vodafone 150" номли мазкур алоқа воситасининг баҳоси атиги 15 АҚШ долларига тенг. У Барселонада ўтказилган нуфузли тадбирда оммага намойиш этилди.

"Vodafone"нинг янги маҳсулоти даставвал Ҳиндистон, Туркия, Лесото, Кения ва Гана мамлакатларида сотувга чиқарилади.

### Парвоз кечиктирилди

***Шу йилнинг 18 мартида "Дискавери" космик кемаси самога парвоз қилиши керак эди. Бироқ АҚШда кузатилаётган ноқулай об-ҳаво шароити туфайли бу муддат бир оз кечиктирилди.***

Мутахассисларнинг изоҳлашича, кемани ҳозирлаб, учириладиган махсус бинога ўтказиш учун ҳаво ҳарорати — 7 даражадан паст бўлмаслиги лозим. Лекин ҳозир ҳарорат ана шу меъёрда эмас. Мавжуд вазиятни инобатга олиб, Америка космик тадқиқотлар миллий агентлиги (NASA) "Дискавери" парвозини 5 апрелда амалга оширишни режалаштирмоқда.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# АҲИЛЛИК, ҒАМХЎРЛИК ВА ТАРБИЯ МАСКАНИ

***Эл-юрт манфаатига дахлдор юмушларни кўпнинг кучи, кўмаги билан бажаришга одатланганмиз. Бунинг учун, аввало, ҳаётнинг пасту баландини кўрган отахон ва онахонларнинг дуоси, йўл-йўриқ ва кўрсатмалари олиниши ҳам бор гап. Бу — асрлардан асрларга ўтиб келаётган хайрли анъана, эзгу таомил. "Кенгашли тўй тарқамас", дейди кексаларимиз. Зеро, шундай эзгу удумларимиз, амалларимиз одамлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини жонлантиришга, инсонийлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилаяпти.***

Маҳалладаги бир хонадонда ёнғин содир бўлди. Иморати, молу бисоти бутунлай ёниб битган ҳовли-жой эгалари жони омон қолганларига шукрона айтдилар. Жабрдийда оилани маҳалла ёлғизлатиб қўймади. Ён ҳовлидан вақтинча бошпана топилди. Қўни-қўшнилар хонадон аъзоларининг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб туришди. Кўкламга чиқиб, ёниб кулга айланган иморат ўрнида бир уй, бир даҳлиз қуриб битказилди. Маҳалладошлар ҳомийлиги билан рўзғор учун зарур жиҳозлар олиб берилди. Бугун тўлиқ оёққа турган ушбу оила аъзолари оқибатли маҳалладошларидан хизматини, кўмагини аямайди, албатта. Улар маҳаллага бош-қош оқсоқолу кайвонилардан миннатдор. Бу инсонийлик туйғуларининг, маҳалла-кўйчилик анъаналарининг ёрқин мисоли.

## Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими жорий этилиб, маҳаллага ҳуқуқий мақом, қонуний ваколатлар берилди. Орадан кўп вақт ўтгани йўқ. Бугун ҳаётимизни маҳалласиз, ундан айри ҳолда тасаввур қила оламизми?! Албатта, йўқ. Хўш, бу ниманинг маҳсули? Этибор беринг, бугун маҳаллага дахлдор бўлмаган бирор вазифа, бирор юмуш деярли йўқ. Одамлар турли масалаларга ечим, саволларига жавоб излаб, аввало, маҳалла идорасининг эшигини қоқишмоқда. Оқсоқолу маслаҳатчилар, фуқаролар йиғини фаолларининг кўмаги, кўрсатмаси, ташаббуси билан ҳал этилаётган муаммолар, ечимталаб масалалар қанча?! Айниқса, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, эҳтиёжманд инсонларга меҳр-мурувват кўрсатиш, аҳолини, шу жумладан, ёшларни иш билан таъминлаш борасида фуқаролар йиғинлари томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар эътирофга лойиқ.

Республика "Маҳалла" жамғармаси маълумотларига кўра, ўтган 2009 йилда унинг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари ҳамда ҳомийлар томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмагида 12 минг 783 та эҳтиёжманд оилага бир бошдан қорамол олиб берилган. Шартнома асосида олий ўқув юртларида таҳсил олаётган кўмакка муҳтож оилалар фарзандларининг 101 нафарига шартнома пуллари тўланган. Шунингдек, қарийб 47 минг нафар коллеж битирувчиси, 12,5 минг нафардан зиёд ҳарбий хизматни тамомлаган йигитларнинг ишга жойлашишларига яқиндан кўмак берилган. Ана шундан амалий ёрдамлар натижасида касаначилик фаолиятига жалб этилган фуқаролар сони эса 13 минг 400 нафардан ошади.

Бир қарашда, бундай кенг қамровли ишларни амалга ошириш учун маҳалланинг куч ва имкониятлари етарли эмасдек туюлади. Негаки, маош олиб фаолият юритаётган оқсоқол, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, йиғин котиби, маҳалла посбонлари сардори сингари 4-5 чоғли масъул ходимлар томонидан йиғин фаолиятига бевосита дахлдор юмушларни тўлалигича уддалаш мушкул. Бироқ...

— Бугун ҳар бир фуқаролар йиғини қошида турли йўналишлар бўйича жамоатчилик асосида комиссиялар фаолият юритмоқда, — дейди "Маҳалла" жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими раиси Ж. Шоҳакимов. — Вояга етмаганлар, хотин-қизлар, ёшлар билан ишлаш, яраштириш, тўй-маросимларни ўтказиш, ободонлаштириш сингари шундай комиссияларга жамоатчилик асосида раислар сайланган. Қолаверса, уларнинг ҳар бири таркибида 10 га яқин аъзолар бор. Бундан ташқари, маҳалла посбонлари, кўчабошилар, уйбошилар, йўлакбошилар қанча?!

Сир эмас, ана шундай муаммолардан бири айрим ёш оилаларнинг арзимас сабаблар билан ажрашиб кетиши масаласидир. Айтайлик, бу ҳолат ҳозирда қатор Ғарб давлатларида одатий манзарага айланди. Мамлакатимизда эса ана шундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан барча зарурий чоралар кўрилмоқда. Айниқса, бу борада маҳалла фуқаролар йиғинларининг ўрни беқиёс. Хўш, ажрашишга қарор қилган оиланинг бутунлигини қандай сақлаб қолиш мумкин?! Бу ўринда энг тўғри ва таъсирчан чора — муроса! Уларни муросага келтириш учун эса маҳалланинг кўпни кўрган, мулоҳазали кайвони инсонлари ўртага тушади. Бунинг учун маҳалла қошида яраштириш комиссияси фаолият юритмоқда. Сўзимизнинг амалий тасдиғини "Маҳалла" жамғармасининг қуйидаги маълумотларида ҳам кўриш мумкин.

2009 йилда республикамиз бўйича 28 минг 320 нафар фуқародан оилавий келишмовчиликлар юзасидан фуқаролар йиғинларига ариза тушган. Улар жиддий ўрганилиб, изчил чора-тадбирлар кўрилиши туфайли қарийб 19 мингга яқин оиланинг нотинчлигига барҳам берилган, 2746 та оила эса ички ишлар идоралари ҳисобига олинган. Шунингдек, жойларда амалга оширилган тарғибот ишлари натижасида ҳамда яраштириш комиссияси кўмаги билан 16 мингдан зиёд оила яраштирилган. Табиийки, бундай ижобий ҳолатларга эришилаётгани жамиятни янада равнақ топтириш, ҳар томонлама комил инсонларни вояга етказишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида фуқаролар йиғинларининг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида тўхталиб, "Маҳаллани аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш йўлида бошлаган ижобий ишларимизни изчил давом эттиришимиз ва янги босқичга кўтаришимиз даркор", деб таъкидлаб ўтдилар. Шунингдек, ушбу маърузада маҳалланинг аҳолимиз, айниқса, ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларни ечишдаги ҳиссаси ҳам алоҳида эътироф этилди.

Дарҳақиқат, халқимизда "Бир болага етти қўшни ота-она", "Боланинг бегонаси бўлмайди", деган иборалар бор. Ушбу пурмаъно гапларнинг мазмун-моҳияти бевосита баркамол авлод таълим-тарбияси масаласи жамият, яъни ҳар бир инсон олдидаги вазифа, бурч эканлигини англатади. Шундай экан, Президентимиз ташаббуси билан "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинган жорий йилда фуқаролар йиғинлари зиммасидаги вазифалар кўлами ҳам, масъулияти ҳам янада ошиши, табиий.

Жумладан, жорий йилда жойларда "Маҳалла — мактаб — оила ҳамкорлиги" концепцияси доирасидаги ишларни, вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятини янада жонлантириш, ёшларни иш билан таъминлаш, маҳаллалардаги маънавий муҳитни янада соғломлаштириш каби устувор вазифаларга катта аҳамият қаратилмоқда. Зеро, соғлом авлод — соғлом муҳитда камол топади.

**Фаррух БЎТАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Мардлар қўриқлайди Ватанни!

***Президентимизнинг 2010 йил 19 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларни навбатдаги чақирув ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида"ги қарорига асосан, жойларда ёшларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш маросимлари бўлиб ўтмоқда.***

# ЖИСМОНИЙ ЕТУК, ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТЛИ

### йигитлар муддатли ҳарбий хизматга кузатилмоқда

Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси чақирув-йиғин пунктида ташкил этилган ана шундай тадбирда давлат ҳокимияти органлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, ҳарбийлар ва чақирилувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида тинч ва осуда ҳаётимизнинг ишончли кафолати бўлмиш миллий армияни шакллантириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Ҳаётга татбиқ этилган қатор чора-тадбирлар туфайли Қуролли Кучларимизнинг жанговар куч ва имкониятлари юксалиб, бутун армиямизнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Энг муҳими, аҳолимиз, айниқса, ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори юқори даражага кўтарилди. Шу боис бугун камолга етиб, куч-қувватга тўлган, жасур ва мард ўғлонларимиз ўз хоҳиш-иродалари билан Ватан олдидаги муқаддас бурчларини адо этишга интилмоқдалар.

— Сафда турган йигитларнинг бўй-бастига бир эътибор беринг-а, — дейди Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси масъул ходими, майор Набижон Ғаффоров. — Уларнинг қалбидаги ишонч ва қатъиятни ҳар бирининг юз-кўзидан сезиш мумкин. Биз ҳамиша мана шундай жасур фарзандларимиз борлигидан фахрланамиз.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрдаги "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони муддатли ҳарбий хизматга чақирув сифати ва самарадорлигини янада оширганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Унга кўра, армиямиз сафларига ҳар жиҳатдан етук, жисмоний соғлом, интеллектуал салоҳиятли йигитлар танлов асосида қабул қилинаяпти. Бугун ана шу синовлардан муваффақиятли ўтганларнинг навбатдаги гуруҳи муддатли ҳарбий хизматга жўнаб кетаяпти.

— Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги академик лицейни тамомлаганман, — дейди чақирилувчи Сардор Соибназаров. — Олий ўқув юртига ўқишга киришдан аввал муддатли ҳарбий хизматга бориб, ўз йигитлик бурчимни адо этишни истадим. Бу ниятимни отам ҳам қўллаб-қувватладилар. Армияда менга билдирилган ишончни оқлаб, албатта, ёруғ юз билан қайтаман.

— Ўғлим Сардоржоннинг улғайганини, куч-қувватга тўлганини кўриб, ич-ичимдан қувондим, — дейди Иброҳим Шоназаров. — Армияни ҳаёт мактаби, дейишади. Чиндан ҳам, аскарлик даврида ёшларнинг дунёқараши янада кенгаяди, жисмоний салоҳияти ошади, энг муҳими, қалбида Ватанига бўлган муҳаббати мустаҳкамланади. Биз ота-оналарнинг нияти эса битта — фарзандларимиз шу юртга муносиб бўлишсин, ҳеч қачон юзимизни ерга қаратишмасин. Келажакда комил инсон бўлиб, Ўзбекистонимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишсин.



**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Ҳасан ПАЙДОЕВ**
**олган сурат.**

## Тиббиёт

# ҚВП ишга тушди

***Хатирчи туманидаги Чиғатой қишлоғида барча қулайликларга эга бўлган янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди.***

Ушбу шифо маскани "Қизилқумцемент" ОАЖнинг 185 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами эвазига бунёд этилди. ҚВПда ўрнатилган энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини тубдан ўзгартирди.

**Э. ҲАМДАМОВ.**

IPOTEKA BANK

«Ипотекабанк»
акциядорлик тижорат ипотека банки

*ахборотлаштириш тизимини Интернет тармоғидан муҳофазалаш мақсадида Firewall қурилмаларини етказиб бериш, ўрнатиш ва техник кузатув бўйича танлов эълон қилади.*

Танловда қатнашиш учун 2010 йил 25 февралга қадар талабнома шаклини расмийлаштириш ва ҳужжатлар тўпламини олиш мумкин. Тақдим этган талабномаси саралаш босқичидан ўтган барча қатнашчиларга танлов ҳужжатлари тўплами берилади.
Тижорат таклифлари 2010 йил 9 март куни соат 12.00 га қадар қабул қилинади.

Талабнома шакли ва танлов ҳужжатларини олиш ҳамда тижорат таклифи тақдим этиш манзили:
**Ўзбекистон, 100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 17-уй, «Ипотекабанк» АТИБ биноси.**
**Маълумот учун телефонлар: (8-371) 150-30-15, 150-98-02.**

124R/1421

**Иш берувчилар диққатига!**
Ўз фуқаролик жавобгарлигингизни суғурталашни унутманг!



Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш – ижтимоий ҳимоя воситаси.

O'ZBEKINVEST · "O'ZAGROSUG'URTA" DAVLAT AKSIYADORLIK SUG'URTA KOMPANIYASI · KAFOLAT · Alliance Insurance · ALSKOM · ASIA insurance · IShONCh · KAPITAL SUG'URTA страховая компания · Standard Insurance · O'ZBEKINVEST HAYOT · UNIVERSAL SUG'URTA

O'ZBEKINVEST - тел.: 232-07-47; O'ZAGROSUG'URTA - тел.: 239-10-65; KAFOLAT - тел.: 239-48-86; ALLIANCE INSURANCE - тел.: 120-71-00; ALSKOM - тел.: 214-66-07; ASIA INSURANCE - тел.: 300-00-11; ISHONCH - тел.: 238-69-65; KAPITAL SUG'URTA - тел.: 232-02-02; STANDART INSURANCE - тел.: 256-26-99; O'ZBEKINVEST HAYOT - тел.: 252-78-48; UNIVERSAL SUG'URTA - тел.: 234-67-89.

Хизматлар лицензияланган

90R/122

*Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

**қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади:**

*денгиз тўлқини рангли ёзги кепилар, яшил рангли беретлар, оқ рангли енги узун ва калта кўйлаклар, денгиз тўлқини рангли енги узун ва калта кўйлаклар, «соя» рангли ёзги камуфляж костюмлар, ип газлама ич кийимлар, «қум» рангли трикотаж майкалар, силлиқ бўялган (гладкокрашеные) трикотаж майкалар, ип газлама сочиқлар, дастрўмоллар, ёқа устидан тақиладиган ип газлама ёқачалар, ип газлама чойшаблар, ёстиқ жилдлари, фурнитура, кир ювиш кукуни.*

**Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент ш., Ш. Руставели к., 1-берк кўча, 1-уй.**

**Талабгорлардан танловда иштирок этиш таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2010 йил 22 февраль соат 17.00 гача.**

**Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 255-75-12, 255-81-45, 231-31-47. Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73.**

117R/182

ТАШКИЛОТ МЕХАНИК ИШЛОВ БЕРИЛГАН ҚУЙИДАГИ
**ҚУЙМА МАҲСУЛОТЛАРНИ**
ТАКЛИФ ЭТАДИ:

**«КМД-1750» русумли** конусли майдалаш ускунаси учун **ЗИРҲЛАР** (ҳаракатланадиган ва ҳаракатланмайдиган);

**«СМД-741» русумли** шекли майдалаш ускунаси учун **МАЙДАЛАШ ПЛИТАЛАРИ** (ҳаракатланадиган ва ҳаракатланмайдиган).

Шунингдек, турли хил майдалаш ускуналари учун зирҳ ва плиталарни етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.

**Телефонлар: (+998 90) 168-56-24, (+998 97) 485-54-62.**
**E-mail: shohbron@rambler.ru**

60R/93

"Тафаккур" журнали жамоаси Халқаро Бобур фонди раҳбари Зокиржон Машрабовга волидаи муҳтарамаси
**НУБУВВАТХОН аянинг**
вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари Таржима назарияси ва амалиёти кафедраси доценти Носиржон Қамбаровга онаси
**ТЎТИХОН аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# ГИМНАСТИКАЧИЛАРИМИЗ – ОСИЁ ЧЕМПИОНИ!

***Мамлакатимизда спорт соҳасини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ўз самараларини бермоқда. Бугунги кунга келиб, ўзбекистонлик спортчиларнинг турли халқаро турнирларда совриндорлар сафидан жой олиши анъанага айланиб қолди. Жумладан, пойтахтимиздаги "Универсал" спорт саройида бадиий гимнастика бўйича қизлар ўртасида давом этаётган XI Осиё чемпионатида ҳам вакилларимиз ҳеч кимдан кам эмасликларини амалда намойиш этмоқдалар.***



Кеча якунланган жамоавий беллашувлар бўйича Ўзбекистон терма жамоаси қизлари энг кўп балл жамғариб, Осиё чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди. Музаффар спортчиларимиз шарафига давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янграли.

Жамоавий беллашувларда ғолиб ва совориндорларни аниқлашда ҳар бир жамоадан яккаликлар ўртасида кўп кураш баҳсларида қатнашган уч нафардан спортчининг арғамчи, ҳалқа, тўп ва булавада бажарган машқларда тўплаган балларига эътибор қаратилди.

Терма жамоамиз муваффақиятига Бухоро вилояти гимнастика мактаби тарбияланувчиси Ҳусниябону Ғуломова ҳам муносиб ҳисса қўшди. У мусобақанинг биринчи куни арғамчи ёрдамида чиқишда 22,2, ҳалқада машқ бажаришда эса 22,05 балл тўплаганди. Умидли гимнастикачимиз иккинчи куни булавада машқ бажаришда 22,125, тўпда машқ бажаришда эса 22,625 балл йиғишга муваффақ бўлди.

### Халқаро турнир

Таъкидлаш лозимки, Ҳусниябону бадиий гимнастика билан шуғулланишни бир оз кечроқ — ўн бир ёшида бошлаганди. Лекин уч йил ичида шу даражага эришгани унинг келажакда етук гимнастикачи бўлишидан далолат беради. Яна бир бухоролик спортчи Сарвина Холиқова ҳам тўртала предмет бўйича ижобий натижани қайд этди.

Пойтахтлик иқтидорли гимнастикачи, мамлакат чемпиони Азиза Мамажонова ҳам барча йўналиш бўйича машқларни деярли бехато бажарди. Натижада унинг чиқишлари ҳакамлар томонидан 22,8, 22,7, 22,900, ва 23,875 баллга баҳоланди. Ҳозир у Сингапур Олимпиадасига бериладиган йўлланмаларга асосий даъвогар бўлиб турибди.

Жамоавий беллашувлар бўйича Осиё чемпионатининг кумуш медали Қозоғистон, бронза медали эса Хитой терма жамоасига насиб этди.

— Мусобақаларни кузатиб, шунга гувоҳ бўлдимки, Ўзбекистонда бадиий гимнастикани ривожлантириш учун катта база яратилган, — дейди Халқаро гимнастика федерациясининг техник қўмитаси аъзоси Ноҳа Абу Шабан (Миср). — Буни қизларингиз эришаётган натижалардан ҳам билса бўлади. Шунингдек, Япония, Таиланд, Сингапур ва Қозоғистон терма жамоалари чиқишлари ҳам менга маъқул бўлди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ (сурат)**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## СЎЗ – ТУРНИР ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Су ХИ, ҳакам (Жанубий Корея):**

— Бадиий гимнастика бўйича Осиё чемпионати Ўзбекистонда ўтказилаётганидан ғоят хурсандман. Мусобақа юксак савияда ташкил этилган.

Шуни мамнуният билан таъкидлашни истардимки, чемпионат спортчилар сонининг кўплиги, жуғрофияси кенглиги, гимнастикачилар томонидан ижро этилаётган бадиий чиқишларнинг ранг-баранглиги билан ажралиб турибди.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатлар барча жабҳаларда, хусусан, спорт соҳасида ҳам жадал тараққий этмоқда, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари тобора мустаҳкамланмоқда. Ушбу чемпионат бошқа мамлакатлар қатори ўзбекистонлик гимнастикачиларнинг ҳам гўзал ва бетакрор ижросидан баҳраманд бўлиш имконини бераётганидан ғоят мамнунман.

**Дана АМЕР, гимнастикачи (Сурия):**

— Осиё чемпионатида қатнашаётганимнинг ўзи мен учун катта шараф. Чемпионатда турли мамлакат гимнастикачилари томонидан ижро этилаётган машқлар ниҳоятда нафис ва жозибалидир. Мен ҳам ушбу беллашувда ўз маҳоратимни намойиш этаяпман.

Мазкур чемпионат ўз қобилиятимни намоён этиш билан бир қаторда, турли мамлакатлардан келган, хусусан, ўзбекистонлик спортчилар билан танишиш ва тажриба алмашиш имконини бераётганидан хурсандман. Ўзбекистонда ёш авлоднинг спорт билан шуғулланиши, жисмоний чиниқиши учун улкан имкониятлар яратилган. Бундай гўзал заминда яшаётган тенгқурларимга чин дилдан ҳавасим келди.

**Супапорн ПАРНСАЙ, гуруҳ мураббийи (Таиланд):**

— Бугун кўпчиликнинг эътибори Осиё спорт маликаларини бир жойга тўплаган Ўзбекистонга қаратилган. Муҳташам "Универсал" спорт саройи халқаро андазаларга тўлиқ мос келадиган барча зарур спорт жиҳозлари билан таъминланган.

Мамлакатингизда ёшларни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида кенг қамровли изчил ислоҳотлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлдик. Хусусан, хотин-қизларни спортга кенг жалб этиш, бадиий гимнастикани янада ривожлантириш, жойларда спортнинг ушбу тури бўйича секциялар ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани таҳсинга лойиқ.

**Рика ЯМАМОТО, ҳакам (Япония):**

— Бадиий гимнастика гўзал ва нафис, шунингдек, мураккаб рақс ва ҳаракатларни бажаришни талаб этади. Ушбу спорт тури қизларнинг ҳар томонлама соғлом, назокатли ва нафосатли бўлиб улғайишида муҳим аҳамиятга эга.

Гимнастика бўйича Европа мамлакатларида ўтказилган кўплаб нуфузли мусобақаларда ҳакам сифатида иштирок этганман. Осиё чемпионатидек бундай йирик мусобақада ҳакамлик қилиш мен учун катта бахт ва шарафдир. Беллашувда бири-биридан гўзал ва ажойиб, ранг-баранг чиқишларнинг гувоҳи бўлаяпман. Гимнастикачи қизларнинг рақсларини одилона баҳолаш зиммамизга катта масъулият юклайди.

**ЎзА мухбирлари**
**Ирода УМАРОВА,**
**Мадина УМАРОВА,**
**Нодира МАНЗУРОВА**
**суҳбатлашди.**

***Шўрчи тумани маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Раҳматилла Мўминовнинг бу дунёда азиз бўлган нарсалари ичида тўрттаси ўзи учун жуда қадрли: Ватани, рафиқаси, ягона ўғли ва рубоби. Ватан ҳақида гап кетганда у беихтиёр ўрнидан туриб кетади. Ўзи кўриб-билиб турган эзгуликларни тилга оладими ё кайфиятига нохуш урилган ҳолатларни эслайдими — муштлари маҳкам тугилиб, кўзлари чақнаб, бутун тани-жони оловга айланиб гуриллайди.***

# МЎМИНОВНИНГ ОЛТИН РУБОБИ

Рафиқаси Иқлим момо ҳақида гапиришни ундан ҳеч ким сўрамайди. Иқлим момони Сурхондарёда ҳамма танийди: ўзбек миллий либослари ва тақинчоқлари дизайнери. ЮНЕСКОнинг шу йўналишда ўтказган халқаро фестивалларининг икки карра бош совриндори бўлган. Юзга яқин миллий чеварлар устози. Фольклор-этнографик санъат соҳаларининг безакчи-ижодкори.

Мўминовнинг рубобини эса одамлар сеҳрли, олтин рубоб, деб атайдилар. Бу рубобни унга бундан роппа-роса қирқ йил аввал тошкентлик ҳунарманд Маҳкам ака совға қилган. Совғани Раҳматилла кўзига суртиб ўз шаҳри — Шўрчига олиб келди. Мактабнинг мусиқа дарсхоналарига олиб кирди. Рубобнинг торлари жарангдор эди. Пардалари силлиқ, оҳанглари майин эди. Енгил эди. Унинг сеҳрли оҳангларига ром қолган Хайрулла исмли биринчи синф ўқувчиси Мўминовга шогирд тушди. Орадан бир йил ўтиб у рубобчи ўқувчилар республика кўригида катта совринни қўлга киритди. Шу ютуқ туртки бўлибми, Хайрулла Тўрақуловлар оиласидан биратўла уч фарзанд санъат олий ўқув юртининг талабалари бўлишди. Оққўрғон қишлоғилик аравакаш Менгқобил Исмоилов рубобнинг довруғини эшитиб, Мўминовни сўроқлаб келди. Санъат, халқ қўшиқлари жони-дили эди. Ёлғиз қолган чоғларида уларни берилиб-берилиб хиргойи қилар, ўзи ҳам қўшиқ тўқиб кетаверарди.

### Санъат

"Шу рубобингни яна бир чертиб бер", деб Менгқобил ака Мўминовнинг ҳузурига тез-тез келадиган бўлади. Абдуҳамид Янгибоев ҳам рубобга шайдо бўлиб қолди. Рубоб чалишни ўрганишга аҳд қилди. Лекин қўли тушмади. У дўмбира чертарди. У чертганида, дўмбира гумбурлаб кетарди. Унинг дўмбирасидан дунё гумбурлаб кетгандай бўларди.

Абдуҳамид бобо дўмбираси билан Мўминовнинг рубобига жўр бўлди. Ҳайитгул момони, Қизларсора момони, Бўри Ортиқовни, қишлоқ фаоли Райҳон Бўтаевани, созанда ва хонандаларни, раққос ва раққосаларни рубоб санъат оламига чорлади. Шундай қилиб, 1985 йилда кейинчалик халқ дастаси мақомига эришган "Булбулигўё" фольклор-этнографик ансамбли шаклланди. Ансамбль қаторасига 13 йил Тошкентда Мустақиллик ва Наврўз байрамлари бош давраларига ўзгача файз олиб кирди. 1997 йили халқаро "Шарқ тароналари" санъат анжуманида "Гиждов-дов" қўшиғи билан чиқиш қилди. Орадан бир йил ўтиб, Туркияда ўтказилган XVIII халқаро "Хитит" қўшиқ фестивалига қатнашиб, бош соврин билан қайтди. Дунёнинг йигирмага яқин шаҳарлари фольклор санъати ихлосмандларининг қалбларини забт этди. Душанбе шаҳрида ўтказилган "Юрак садолари" халқаро фестивалида Американинг "Кекса кулранг ғоз" дастаси "Булбулигўё"дан учта қўшиқ ўрганди. Мўминов "Харихари" куйини ўзининг рубобида ижро этганида, америкаликларнинг завқлари тошиб, беихтиёр даврани кенг олиб рақсга туша кетдилар. Ва ҳатто, "Бизга шу рубобни совға қилсаларинг-ку", дегандай гап ҳам қилдилар.

Ҳа, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиби Раҳматилла Мўминов ўзининг олтин рубоби билан Шўрчида халқ қўшиқлари ва лапарлари усталарининг сулоласини вояга етказди. "Булбулигўё"га ҳамқадам бўлиб, бу ерда "Кумуш тола", "Ҳилол" халқ дасталари шаклланди. Оққўрғон қишлоғи уй бекалари ўзларича ташкил этган "Чанқовуз" гуруҳи шуҳрат қозонди. Хайрулла Тўрақулов, Рустам, Музаффар, Бахтиёр, Муҳаммад, Муқаддас, Гулчеҳра, Райҳона, Лобар, Нигора, Соҳибжамоллар қадриятларимиз гавҳарларини бутун жаҳонга намойиш эта билдилар.

...Мўминовнинг иш жойига кирсангиз, унинг ўша қирқ йиллик қадрдони — рубобини кўрасиз. Ҳамиша хонанинг тўрида, деворга суяб қўйилган бўлади. Қўлга олиб, пардаларига бармоқ югуртирсангизми, торларидан сирли, сеҳрли оҳанглар таралади. Кўҳна ва қадрдон санъатимиз дурдоналари хазинаси очилиб кетгандай бўлади.

Дарвоқе, Мўминовнинг ўғли — Ҳумоюн ҳақида. Ҳумоюн ота-боболарига тортган. Гўзаллик шайдоси. Меъмор. Санъатнинг меҳроби, қаймоғи бўлган меъморчиликда ўғлининг ўз қадами, ўрни, айтадиган сўзи бўлишига отаси шубҳа қилмайди.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## ЭНГ ЯХШИ МАКТАБ

***Гулистонда халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилаётган "Йилнинг энг яхши мактаби" Республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.***

Унда танловнинг шаҳар ва туманлар босқичида ғолиб бўлган 11 та мактаб жамоалари ўзаро беллашдилар.

Тадбир якунига кўра, Янгиер шаҳридаги 9-умумтаълим мактаби биринчи ўринга лойиқ кўрилди. Кейинги ўринлар Ховос туманидаги 1 ва Сардоба туманидаги 18-умумтаълим мактабларига насиб этди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Қ. ҚУННОЗОВ олган сурат.**

## МАДАНИЯТ *хабарлари*

***Пойтахтимиздаги Халқаро маданият карвонсаройида Ўзбекистон халқ рассоми Низомиддин Холиқов ижодига мансуб асарлар кўргазмаси очилди. Унда мусаввирнинг элликка яқин асарлари намойиш этилмоқда.***

### Тасвирларда достонлар мадҳи

Эътироф этиш жоизки, Н. Холиқовнинг мўйқаламда ишлаган асарларида янгича услуб ва тасвирий восита, ўзига хос тасаввуру мушоҳада кузатилади. Айниқса, унинг халқ оғзаки ижоди намуналаридан "Гулпари", "Ойжамол", "Гулшанбоғ" достонлари ҳамда мумтоз адабиётимизнинг нодир дурдоналаридан бири — Алишер Навоийнинг "Садди Искандарий" достонига бағишланган ижод намуналари алоҳида эътирофга лойиқ.

**Г. САОДАТОВА.**

### Ижодкор ўқувчилар кўргазмаси

***Республика Ёшлар ижод саройида ўқувчи-ёшларнинг ижодий асарлари кўргазмаси очилди. Баркамол авлод йили муносабати билан ташкил этилган мазкур тадбирда пойтахтимиздаги Собир Раҳимов тумани ўқувчилар ижодиёт марказининг иқтидорли ёшлари томонидан тайёрланган экспонатлар намойиш этилмоқда.***

Таъкидлаш жоизки, айни кунда мазкур ижодиёт маркази 2600 нафардан зиёд ўқувчи-ёшларни жамлаган. Улар 40 дан зиёд тўгаракларда тасвирий ва амалий санъат сирларини ўрганмоқда. Эътиборлиси, ўқувчилар орасида иқтидорли ва изланувчан ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Жумладан, уларнинг "Янги авлод", "Камалак — миллий анъаналар ва замонавийлик", "Ўзбекистон қўшиқ байрами", "Ёш қизиқчилар", "Ватан остонадан бошланади", "Моҳир ёш усталар" сингари танлов ва кўргазмаларда совринли ўринларни қўлга киритиб келаётгани сўзимиз тасдиғидир.

Намойиш этилаётган асарлар қаторидан акварель ва қалам тасвирлари, либослар эскизи, безакли панно, кашта, қуроқ, зардўзлик, локли миниатюра, наққошлик сингари тасвирий ва амалий санъат намуналари жой олган.

**С. ЙЎЛДОШЕВА.**

ISO 9001?
Как управлять по международным нормам
...миссия, стратегия, качество, бизнес-процессы, безопасность, экология, QPI, КТУ, персонал, брендинг, сервис, кайдзен, BSC...
+998 (71) 140-14-24

## МУРАББИЙЛАР БЕЛЛАШДИ

***Бухоро ва Урганч шаҳарларида "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" республика кўрик-танловининг вилоят босқичлари бўлиб ўтди.***

### Танлов

Муаллимлар учун ўзига хос маҳорат синовига айланган бу тадбирда 14 та фан бўйича ғолиблар номи аниқланди. Хусусан, Бухоро шаҳридаги 37-умумтаълим мактаби инглиз тили ўқитувчиси К. Маилова, Қоровулбозор туманидаги 8-умумтаълим мактаби биология фани ўқитувчиси Ш. Элмуродова, Бухоро туманидаги 14-мактаб она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Д. Ҳайитова ўз йўналишлари бўйича биринчи ўринни эгалладилар.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Тадбирда танловнинг биология фани йўналиши бўйича туман босқичларида ғолиб бўлган 11 нафар мураббий ўзларининг истеъдод ва маҳоратларини намойиш этдилар.

Якуний натижаларга кўра, Хива туманидаги 5-ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқитувчиси Ш. Худойберганов биринчи ўринга лойиқ кўрилди. Шунингдек, кейинги ўринлар Урганч шаҳридаги 8 ва Боғот туманидаги 28-умумтаълим мактаблари ўқитувчилари Н. Султонова ва Г. Абдуллаевага насиб этди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ОБ-ҲАВО (18 февраль)



**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан қор ёғади. Туман тушади. Тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик (ёмғир, қор) бўлиши кутилмоқда. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 1 даража совуқ билан 4 даража илиқ атрофида, кундузи 4-9 даража илиқ бўлади. Навоий вилоятининг шимолий қисмида кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёғингарчилик кузатилади. Туман тушади. Тунда 1 даража совуқ билан 4 даража илиқ ўртасида, кундузи 4-9 даража илиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёмғир, қор ёғади. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 1 даража совуқ билан 4 даража илиқ атрофида, кундузи 4-9 даража илиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Туман тушади. Тунда 1-6, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Вақти-вақти билан ёғингарчилик кузатилади. Туман тушади. Тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 2-7 даража илиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиб, қорга айланиши мумкин. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Ҳарорат тунда 0-2, кундузи 4-6 даража илиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 103. 63314 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.
ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
t -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.55 Топширилди — 22.55 1 2 4 5